



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 5 декабрь, № 252 (8875)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧ АТОМ СОҲАСИДА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) бош директори Рафаэль Гросси ўртасида 4 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ва амалий шерикликнинг янги йўналишларини илгари суриш истиқболлари атрофлича кўриб чиқилди.



Ўзбекистон 1994 йилдан буён ХАЭА аъзосидир. Бу давр мобайнида ушбу нуфузли ташкилотнинг техник кўмагини жалб этган ҳолда 40 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Ҳозирда миллий тузилмаларнинг ҳуқуқий базаси ва салоҳиятини такомиллаштириш, ядро фани, тиббиётини ривожлантириш бўйича ва бошқа йўналишларда 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ХАЭА делегацияси бугун Ўзбекистон вазириликлари, идоралари ва илмий муассасаларида ўтказган учрашув ва тадбирларнинг натижаларини юқори баҳолади. Самарқанд шаҳрида соҳадаги етакчи хорижий экспертлар иштирокида бўлиб ўтадиган Атом энергиясидан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро конференция биргаликда ташкил этилгани мамнуният билан қайд этилди.

Миллий агентликларнинг компетенциялари ва салоҳиятини ошириш, ХАЭА дастурлари доирасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ядро энергетикаси, қишлоқ ҳўжалиги, сувдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, экология соҳаларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Учрашув якунида тинч атом соҳасини ривожлантириш борасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан қўшма «Йўл харитаси»ни қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

«ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва уни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуманнинг барча қатнашчиларини чин қалбимдан самимий муоборакбод этаман.

Мана шундай муҳим ва нуфузли форумни мамлакатимизда ўтказиш ташаббусини фаол қўллаб-қувватлагани ва шахсан иштироки учун Атом энергияси бўйича халқаро агентлик бош директори Рафаэль Гросси жанобларига алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Мазкур анжуманнинг азалдан Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган, бугунги кунда халқаро ҳамкорлик борасидаги энг долзарб масалалар бўйича глобал миқёсда самарали мулоқот марказига айланиб бораётган қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Ҳурматли конференция қатнашчилари! Иқлим ўзгаришларининг салбий таъсири ва аънавий энергия манбалари тақчиллиги аяқол сезилаётган ҳозирги шароитда тинч атом ҳаёт сифатини ошириш ва миллий та-

раққиёт стратегияларини амалга оширишда муҳим муқобил ечим ҳисобланади.

Шу маънода, ўтган йили Дубай шаҳрида ўтказилган “COP28” Иқлим саммитида қўллаб-қувватлаш етакчиларининг атроф-муҳитга углеводород энергетикаси манбалари салбий таъсири кескин камайтириш мақсадида 2050 йилга қадар атом электр энергетикаси қувватларини уч баробарга ошириш бўйича эришган муҳим келишувлари бежиз эмас, албатта.

Мамлакатимизни ишончли, хавфсиз, иқтисодий самарадор ва экологик тоза энергия манбалари билан таъминлаш — Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда устувор йўналишлардан бири сифатида етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Биз соҳанинг ҳуқуқий-институционал асосини мустаҳкамлаш учун Миллий агентлик ташкил этдик, Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ҳақидаги қонун, Атом энергиясини ривожлантириш бўйича узок муددатли концепция, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган стратегияни қабул қилдик. Соҳа учун юқори малакали

мутахассисларни тайёрлаш тизимини жорий этдик.

Юртимиз жаҳонда биринчилардан бўлиб, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ кичик қувватли атом электр станцияларини барпо этишга киришди. Биз ушбу лойиҳаларни, бундан ташқари, соғлиқни сақлаш ва қатор илмий дастурларни муваффақиятли амалга оширишда МАГАТЭни ўзимиз учун муҳим шерик деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз, атом энергияси бўйича илгор технологияларнинг жорий этилиши мамлакатимиз тараққиётига кучли туртки беради ҳамда янги илмий-технологик ишланмалар ва инновацион иқтисодийга ўтиш учун имкон яратаяди.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ушбу анжуман соҳада тўлланган бой билан ва таҳрибаларни ўзаро алмашиш, кенг қамровли ҳамкорлик ўрнатиш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда тинч атомдан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсия ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш учун гоят зарур мулоқот майдони бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқчиман. Конференция кун тартибига соҳадаги

фаолиятни МАГАТЭ билан мувофиқлаштирган ҳолда АЭСлар барпо этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ядро технологияларини ривожлантиришнинг экологик жиҳатлари каби ўта долзарб масалалар киритилган. Шунингдек, инновациялар, ядровий тиббиёт, соҳада таълимни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, деб ишонаман.

Аминманки, анжуман давомида муҳокама қилинадиган барча гоя ва ташаббуслар ушбу муҳим тармоқда ўзаро мулоқотни ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш, давлатларнинг барқарор тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон барча хорижий ҳамкорлар билан ушбу устувор йўналишда яқин ҳамкорлик қилишга доим тайёрдир.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, олийжаноб фаолиятингизда улкан ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Олий Мажлис Сенатида

ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан тегишли ҳокимликлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Шунингдек, масъул вазирилик ва идоралар мутасаддиларининг ушбу йўналишда олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботлари ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур вилоятлар бюджетига тушумларни кўпайтириш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни йиғиш самарадорлигини ошириш орқали январь — сентябрь ойларида жами 8,7 трлн. сўм тушум белгиланган бўлиб, амалда прогноз кўрсаткичлари Андижон вилоятида 103,0 фоизга, Жиззах вилоятида — 103,1, Наманган вилоятида — 104, Хоразм вилоятида 104,9 фоизга ижро этилган.



8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун

МАҚСАДИМИЗ — ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ, ХАЛҚИМИЗНИ СУД ҲОКИМИЯТИДАН РОЗИ ҚИЛИШДИР



Зеро, Конституция — давлатнинг Асосий Қонуни, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солидиган бош ҳужжат. Ўзбекистонда қабул қилинадиган ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат — қонун, Фармон, қарор ёки бошқа

Ҳар қандай демократик давлатнинг изчил тараққиёти бевосита Конституциясида белгиланган норма ва принциплар мазмунини ҳамда унинг ижросини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этилишига боғлиқ.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармоиши билан Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий устувор йўналишлари акс этган “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” бош гояси негизда ўтказилаётган тадбирларнинг барчаси янги тахрирдаги Бош қонунимизнинг жамиятимиз ҳаётида нақадар юксак аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

идоровий ҳужжатларнинг барчаси, аввало, Конституцияга асосланади, унинг мазмун ва кўрсатмаларидан келиб чиқади. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ва талабидир.

Инсон шайни ва қадри-ни янада юксалтириш давлат сиёсатининг бош тамойили сифатида белгиланган. Ўзбекистондаги қўлама кенг, шиддатли баланд, самараси юксак демократик янгиланишлар халқимиз манфаат-

ларини собитлик билан таъминлаш, она Ватанимиз нуфузини халқаро майдонда ҳам мустаҳкамлаш йўлида узокни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётда натижадор эканига ҳар қандай киши амин бўлади. Шу каби ютуқлар, яратилган эркинлик ва ҳуқуқлар, тизимли ислохотларни амалга ошириш механизми ва халқли сиёсатнинг давомийлигини таъминлаш учун бу изчил ислохотлар мантигини,

албатта, Асосий Қонунимиз — Конституцияда ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб қўйиш талаб этилади. Бошқача айтганда, айнан Конституциямиз шиддат билан ўзгараётган замондан орқада қолиб кетмаслиги, тизимли ва кенг миқёсда янгиланишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қафолати бўлиши учун ҳам конституциявий ислохот ўтказилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАФФОФЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

Парламент қўйи палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янги босқинга олиб чиқиш масалалари” мавзусида семинар ўтказилди.

“Фуқаролик жамияти ҳафталиги” доирасида ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди.

Президентимизнинг шу йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги ислохотларнинг узвий давомий бўлди.



Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иши тўхтаб қолган ёки вақтинча тўхтатиб қўйган 12 306 та корхонанинг фаолияти қайта тикланиб, тадбиркорларга яратилган имкониятлар натижасида 13 051 та янги корхона ташкил этилган.

ДОЛЗАРБ ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Маълум қилинганидек, “Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан кафолатланган омонатлар бўйича компенсация тўлаб бериш учун Омонатларни кафолатлаш агентлигининг фаолияти тўғрисида умумий қоидалар, унинг фаолияти мақсадлари, агентликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув органлари тушунчалари киритилиб, агентликнинг институционал, функционал, молиявий ва шахсий мустақиллиги белгиланмоқда. Шунингдек, кафолатлаш тизими, банкларнинг бунда иштироки хусусидаги қўшимчалар билан тўлдирилляпти.

“Микромолиялаштириш фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан банк хизматларини рухсат

этилган шартлар асосида кўрсатиш ва коллатига эга бўлган юридик шахс — микромолия банклари институтини жорий қилиш, микромолия ташкилотларини микромолия банкларига ва микромолия банкларини тижорат банкларига ва аксинча, трансформация этишнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқийётган ходимлар учун бериладиган ўқув таътил кунларини аниқлаштиришга, бундан ташқари, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимини ишдан бўшатишга тақиқ жорий этилишига доир нормалар белгиланяпти.

Киритилаётган ўзгартиришлардан яна бири — ишга қабул қилиш чоғида

ишга қираётган шахснинг паспорти ёки ID-картасига, шунингдек, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлари мустақил равишда, шу жумладан, ажборт тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олиши назарда тутилмоқда.

Мажлисида мазкур қонунлар банк тизими барқарорлигини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлар мублагларининг бут қаслланиши ва омонатлар бозорига “носоголом” муҳитнинг камийишига, микромолиявий хизматлар оммабоплиги ва ҳудудларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламининг ошишига хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг электрон тизимга ўтишини қафолатлашга ҳамда ишга қираётган фуқаролардан ортиқча ҳужжатларни сўраш ҳоллари бартараф этилишида муҳим ўрин тутиши сенаторлар томонидан ўруланди.

Муҳокамалар якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАМЛАКАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲОЗИБАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг хорижий инвестициялар ва туризм масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун ўқув семинари ўтказилди.

Унда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар олдида турган долзарб вазифалар ва муҳим ташаббуслар илгари сўрилди. Хусусан, соҳага оид қонунларни кўриб чиқишда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишини таъминлаш учун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фикрларини, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятини янада ривожлантириш, Сенат қўмиталарининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳам-

корлигини мустақамлаш, маҳаллий ижро ҳокимияти устидан назоратни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Семинарда Сенат томонидан маҳаллий Кенгашлар учун ишлаб чиқилган услубий қўлланма тақдироти ҳам ўтказилди. Ушбу қўлланма доимий комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш, асосий йўналишлари бўйича аниқ режаларини белгиллаш, ваколатлари доирасида муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва аниқ натижаларга эришишда амалий ёрдам беради. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризм соҳа-

сини жадал ривожлантириш, соҳада иш ўринларини яратишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб бориш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, доимий комиссиялар аъзолари ҳам муҳокама этилган масалалар бўйича ўз фикрлари ва тақлифларини билдирди.

Яқунда иштирокчилар томонидан ҳудудий инвестиция дастурлари бажарилишини биргаликда назорат қилиш, шунингдек, туризмни жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ҳамда мамлакатнинг инвестициявий ҳозибадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилан олindi.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — ЖСТ: СТРАТЕГИК ВАЗИФА ВА ДУНЁ БОЗОРИГА КИРИШ ИМКОНИЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ҳамда Бош вазир номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисларидаги дастурий нутқларида давлатимиз яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га, албатта, аъзо бўлиб кириши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мушоҳада

Дарҳақиқат, 2030 йилга қадар миллий иқтисодиётимиз ҳажминин 200 миллиард долларга етказиш, йиллик экспорт ҳажминин эса 2 баробарга ошириб, 45 млрд. долларга олиб чиқишга қаратилган муҳим мақсадларимизга эришишга имкон берувчи ушбу кўп томонлама савдо тизимига қўшилиш ниятда долзарб аҳамиятга эга. Яъни ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан бири бўлиб, бу маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлари-мизнинг дунё бозорларига кириб боришига шароит яратди.

Айтиш керак, мамлакатимиз ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатларини 2017 йилда янгитдан жонлантирди. Айниқса, сўнгги икки йил давомида ушбу жараён янада жадаллашиб, қисқа тарихий давр оралиғида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича тузилган Ишчи гуруҳининг тўрт мартаба йиғилиши бўлиб ўтди. Жорий йилнинг декабры ойида эса Ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур йўналишдаги самарали саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, буғунги кунга келиб, Ўзбекистон АҚШ, Япония, Туркия, Бразилия, Саудия Арабистони каби 20 дан ортиқ ЖСТ аъзолари билан миллий бозоримизга ушбу давлатлар маҳсулотлари ва хизматларининг кириши шартларини келиштириш бўйича икки томонлама музокараларни тугаллади. Колган бир қатор ЖСТ аъзолари билан бундай музокараларни яқунлаш мақсадида изчил ишлар олиб борилаётир. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича бу борадаги шартларни қайд этувчи ҳисобот маънадаги шакллантиришга киришилди.



ЖСТ Котибияти ҳам Ўзбекистоннинг ушбу изчил саъй-ҳаракатларини эътироф қилган ҳолда ташкилотга аъзо бўлиб кириш жараёнида давлатимизни тўлиқ қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилиди: ЖСТ қандай ташкилот ва давлатлар унга қандай қўшилиди?

Қайд этиш жоиз, ЖСТ — бу 166 та аъзо давлат ўртасида буғунги кунда буюн халқаро савдо ҳажмининг чамаси 98 фоизини ташкил этувчи ўзаро савдо алоқаларини амалга оширишни тартибга солиб турувчи кўп томонлама институционал ва ҳуқуқий тизимдир.

ЖСТ дастлабки (асосчи) ва ташкилотга кейинчалик қўшилган аъзолардан иборат. ЖСТни таъсис этиш тўғрисидаги Мароқаш келишувининг XII-моддаси 1-параграфига мувофиқ ташкилотга қўшилиш ҳар қандай давлат ёки ташқи савдо алоқаларини амалга оширишда, ЖСТ битимиди ва кўп томонлама савдо битимларида назарда тутилган масалаларда тўлиқ автономияга эга бўлган алоҳида божхона ҳудуди учун очикдир. Ҳозиргача ўтказ саккизта давлат ва божхона ҳудуди ЖСТга қўшилган бўлиб, улар аъзоларнинг бешдан бир қисмидан

кўпрогини ташкил этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон, Беларусь каби яна 20 дан ортиқ давлатларнинг ЖСТга қўшилиш бўйича музокара-лари давом этмоқда.

ЖСТ бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан ўзига хос аъзолик режимига эга. Умуман олганда, кўпчилик универсал ҳуқуматлараро ташкилотларга қўшилиш учун давлатлар (ёки халқаро муносабатларнинг баъзи бошқа иштирокчилари), биринчи навбатда, муайян шартларга рия қилишлари керак. Кейин улар тегишли режимларни ўрнатувчи, шунингдек, аъзолик мажбуриятлари бажарилишини таъминлайдиган ташкилотнинг таъсис этувчи асосий халқаро шартнома-ларга қўшилиши лозим. Бундай ташкилотларга қўшилиш жараёни одатда миллий қонунлар ва турли соҳалардаги давлат сиёсатини жиҳдий ўзгартиришни талаб қилмайди. Шу боис ушбу ташкилотларга қўшилиш жараёни кўп вақт олмайд.

ЖСТга қўшилиш жараёни эса, аксинча, одатда узоқ вақт талаб этади. Бунга асосий сабаб сифатида қуйидаги ўзига хос жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ЖСТга қўшилиш жараёни-ни айрим ҳолатларда давлатларнинг ўз иқтисодиётини бошқариш тартибининг ўзгартириш жараёни сифатида тавсифласак, асло муболага қилмаган бўламиз. Қўпгина бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ ЖСТга аъзо бўлиш учун номзодлар миллий бозорни импорт рақобатига очиб билан боғлиқ махсус мажбуриятлар шаклидаги аниқ шартларни аъзолик бўйича ишчи гуруҳида иштирок этаётган ҳар бир ЖСТ аъзоси билан ўзаро икки томонлама музокаралар давомида келишиб олиши лозим. Айни вақтда ташкилотга қўш-лаётган давлатлар ЖСТ келишувлари ва кўп томонлама музокаралар натижасида келишилган қўшимча аъзолик шартларига мувофиқ ўзининг ички бозорини импорт рақобатидан ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлаш сиёсатини келишув шарт-

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАФФОФЛИК ВА САМАРАДОРЛИК



Семинарда депутатлар мазкур ҳужжат фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимни, шунингдек, ижтимоий самарали дастурлар натижадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилганини алоҳида қайд этдилар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустақамлаш, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини ривожлантиришга қўмаклашиш йўлида олиб борилаётган таъсирчан жамоатчилик назорати, муаммолар, уларнинг ечими ва келгусида режалаштирилган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Қўмита аъзолари давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашларини тузиш, қўйи палата ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил қилиш борасида илгари сурган ташаббуслари муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этдилар. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлари учун ягона электрон платформа яратилиши, бу платформа орқали давлат субсидиялари, грантлар



ва ижтимоий буюртмалар тақдим қилинадиган жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Яқунда иштирокчилар томонидан берилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан “Менинг Конституциям 32 ёшда!” шиори остида “Конституция — ижтимоий ҳуқуқларимиз кафолати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституцияда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг турли соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган кўламли ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топди. Хусусан, таълим олиш ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтирилиб, давлат ва нодавлат таълим муассасаларини янада қўллаб-қувватлаш қоидалари жорий қилинди.

Давлат томонидан бепул умумий ўрта ва бошланғич касб-хунар таълими кафолатлари белгиланиб, олий таълим муассасаларига академик эркинлик берилди. Буларнинг барчаси ёш авлод истак ва интилишларини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий Қонунимизда давлат ўқитувчиларининг шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишида ғамўхўрлик кўрсатиш ҳам мустақамлаб қўйилди. Натижада янги Ўзбекистонда ўқитувчилар макомини кўтариш, кадр-қимматини оширишга қаратилган ишлар бутунлай янги босқичга чиқди. Уларда ўз

касбига иштиёқ ортди, билимини оширишга интилиш кучайди.

Янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятига тўхталган тадбир иштирокчилари ушбу ҳужжат билан болалар меҳнатнинг оғир шаклларида муҳофаза этилиши, уларнинг соғлом ва баркамол ривожланиши кафолатланганига ургу берди. Конституцияда давлатимиз томонидан ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, уларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва маънавий камол топиши, истёёбда ва қобилиятини намоян этиши учун шарт-шароит яратилиши белгилан қўйилгани ёшлар қалбига Ватанимиз, Бош қомусимиз билан фахрланиш туйғусини шакллантираётгани таъкидланди.

Қўмита аъзолари сўнгги йилларда ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг оруз-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, сиёсатли таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилиш борасида мустақам ҳуқуқий база яратилгани ва бу замон талабларига ҳамоҳанг тақомиллаштириб борилаётганини қайд этишди.

ЭКОЛОГИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — эркин ва фаровон ҳаёт гарови” шиори остида “Конституция — ҳуқуқий давлат кафолати” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Янги тахрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олингани қайд этилди. Хусусан, аҳолининг экологик ҳуқуқлари алоҳида белгилан қўйилди. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни ахшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Депутатлар Бош қомусимизда табиат ва жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиувчи махсус нормалар белгилангани, улар экологик ҳуқуқий муносабатлар пойдеворини ташкил этиши, ҳар бир модда дастуриламал бўлиб, ҳаётимиз қоида-сига айланиши лозимлигини таъкидланди.

Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойлиқлар ва биологик хилмаҳилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаши белгилан қўйилган ва ушбу нормалар асосида барча чоралар кўрилкоқда.

Сўз олганлар янги тахрирдаги Конституциянинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, миллий ва умуминсоний гоғларни ўзида муҳкамм этган, халқимизнинг барча қатлами манфаатларини ифодаловчи Бош қомусимиз амалга оширилаётган экологик ислохотларнинг асоси бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди. Белгилан берилган нормаларнинг ҳаётга кенг қўлданда жорий қилиниши атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, юртимизда экологик ҳолатни соғломлаштириш нафақат давлат ва жамият, шу билан бирга, ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Яқунда иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Шундай экан, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида Президентимиз олдин-мига қўйган улкан иқтисодий марраларга эришиш йўлида ЖСТга аъзолиқдан камсиз равишда фойда олишимиз учун иқтисодий сиёсатимизни ЖСТ битимлари қоидаларига мувофиқлаш ҳамда самарали ташкил қилишимиз гоғт муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро ҳокимияти органларидан бу йўналишда фаолликни талаб қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қошида қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича Парламент комиссиясини ташкил қилиш тақлифи ҳам мана шу олий мақсадга қаратилган.

Фикримизча, мазкур Парламент комиссияси фаолияти қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши лозим:

биринчидан, миллий қонунчилигимизни ЖСТ битимлари қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича фаолиятини амалга ошириш зарур. Бу борада давлатимиз раҳбари парламент олдидаги аниқ вазифаларни белгилан берди. ЖСТ битимлари қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича солиқ ва божхона, ташқи савдо, стандартлаштириш ва бошқа бир қатор йўналишлардаги қонунларга қисқа муддат ичида ўзгартириш киритишимиз лозим бўлади;

иккинчидан, маҳаллий маҳсулотларимизнинг дунё бозорларига эркин кириб боришини таъминлаш учун халқаро тан олинган техник ҳамда санитар ва фитосанитар каби нотариф чоралар ҳисобланувчи стандартларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш даркор.

Учинчидан, ЖСТ ҳуқуқий тизимидан самарали фойдалана оладиган юқори салоҳиятга эга иқтисодий ҳамда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга, тадбиркорларимиз ва тегишли давлат органлари ходимлари маъласини доимо ошириб боришга қаратилган тизимни яратиш зарур.

Энг асосийси, Парламент комиссияси юқоридаги йўналишлардаги фаолиятини тегишли вазирлик ва идоралар, “ақл марказлари” ва жамоатчилик вакиллари, тадбиркор ва ишбилармонлар билан яқиндан ишлаш асосида олиб бориши лозим. Шунданга биз бу борадаги соҳани тартибга соладиган мукаммал қонунлар, самарали ва халқчил ечимларни ишлаб чиқа оламиз.

Умид ЯКУБХОДАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

МАҚСАДИМИЗ – ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ, ХАЛҚИМИЗНИ СУД ҲОКИМИЯТИДАН РОЗИ ҚИЛИШДИР

Натижада 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги тахрири унда иштирок этган фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганди. Бу Бош қомусимизда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ёрқин намоён қилди. Янги тахрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегияси сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Изчил ислохотлар мантиғи

Бугунги Ўзбекистон нафақат иқтисодий таъжуд ривожланаётган йирик давлатга айланмоқда, балки аҳолиси сони **2040 йилга** бориб **50 миллион**га етadиган нуфузли мамлакат ҳамдир. Айни шу маънода Конституцияда қиритилган янги норма ва принциплар мазмунда фуқароларимиз муносиб ҳаёт кечириши йўлида қулай шарт-шароит ва мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш учун **барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар** яққол акс этади.

Агар асосий конституциявий аңгилликларнинг мазмуни ва моҳиятига қарасак, конституциявий ислохотлар доирасида янги тахрирдаги Конституцияга қуйидаги гоё ва қоидаларни акс эттирувчи қатор муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар қиритилганини кўрамиз: биринчидан, улар **инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият** деб тан олган Ўзбекистоннинг **қўп миллатли халқининг иродасини** рўёбга чиқаришга қаратилган тузатишларни ўз ичига қлади. Бунинг учун давлат ва жамият тараққиёти мафқураси, Ўзбекистон халқининг конституциявий-ҳуқуқий иқдорлигининг ўзига ҳослигини акс эттирувчи конституциявий қадриятлар белгиланди.

Янги тахрирдаги Конституциянинг муқаддима қисмида миллий давлатчиликни тақомиллаштиришнинг янги босқичида **Ўзбекистон конституциявий тараққиётининг устувор йўналишлари** белгилан берилди; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва давлат шаклига оид **мустақил, демократик, суверен давлат** сифатидаги **давлат-ҳуқуқий макomini мустақамловчи** янги конституциявий принциплар ўрин олди.

Конституциянинг 1-моддасига қиритилган тузатишларга кўра, Ўзбекистон — республика бошқарув шаклидаги **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** деб белгиланди. Мазкур моддада акс этган қоидалар ўз моҳиятига кўра Ўзбекистонда олиб борилаётган **конституциявий ислохотларнинг асосий максадини** ифодалаб, Конституциянинг бутун матни бўйича мустақамланган барча ўзгариш ва қўшимчалар мазкур энг муҳим давлатчилик модели амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, давлатчилигимизнинг юқорида санаб ўтилган конституциявий тузумга ҳос барча белгиларининг барқарорлиги ва ўзгармаслиги кафолатини Конституция даражасида мустақамлаш максадидида янги тахрирдаги Конституциянинг 1-моддаси қоидалари **қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслигига** оид талаб 154-моддада қатъий белгилан қўйилди;

учинчидан, янги Ўзбекистонни барпо қилиш максадидида 2023 йилда амалга оширилган конституциявий ислохот натижасида давлат ва жамият бошқаруви модели ўзаро муносабатлари ўзгидидаги **“давлат — жамият — инсон”** принципи ўрнига инсон манфаатлари биринчи ўринга кўтарилган **“инсон — жамият — давлат”** формуласи асос қилиб белгиланди.

Масалан, Конституциямиз 1992 йилда қабул қилинганидан буён унга қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг аксарияти **давлат ва жамият қурилиши** — Президент, парламент, ҳуқумат фаолияти, сайлов тизими ва бошқалар билан боғлиқ бўлган. Янги тахрирдаги Конституцияда қиритилган **нормаларнинг яридан қўп инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини** ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва уни амалга ошириш механизмларини мустақамлашга йўналтирилган;

тўртинчидан, Конституциямизда давлат ҳокимияти ўз фаолиятида қонунга бўйсунини, халқ иродасига таянини, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашни назарда тутувчи **ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгилари** ўз ифодасини топди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоясининг асосий кафолатлари сифатида Конституция ва қонуннинг устулгини таъминлашга оид замонавий конституциявий механизмлар мустақамланди.

Жумладан, 15-моддага қиритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мамлакат Конституцияси ва қонунларининг устулгини сўзсиз тан олинади. Асосий Қонун мамлакатнинг **бутун ҳудудидида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асоси**

ҳисобланади. 16-моддада Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мамлакат Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади.

Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимояланишининг барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши туғалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига **мурожаат қилиш ҳуқуқи** 133-моддада белгилан кўйилди. Бу ҳуқуқлар Асосий Қонунда муҳрланиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлайди;

бешинчидан, инсон ва фуқаронинг асосий **шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий кафолатлари** сезиларли даражада кучайтирилди. Бу ўзгаришлар янги тахрирдаги Конституциянинг том маънода халқчил ва инсон манфаати ҳар нарсадан устулгини муҳрланган ҳужжат сифатидаги қиёфасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Унинг 19-моддасида Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтирофдаги нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, деб белгиланиши миллий Конституциямизнинг энг илгор шундай ҳужжатлардан кам эмаслигини билдиради. Масалан, “ажралмас ҳуқуқлар” атамаси Европанинг Германия, Болгария, Венгрия, Чехия каби давлатлари конституцияларида ҳам қўланилган бўлиб, мазкур қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланган ҳолда унинг тартибга солиш объектлари қамрови доирасини янада кенгайтиради;

олтинчидан, Конституциянинг 20-моддаси қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари **мутаносиблик принципи асосланниш ва қонунларда назарда тутилган максадларга эришиш учун етарли бўлиши керак**, деган конституциявий нормалар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, ушбу муҳим халқаро-ҳуқуқий принцип Конституциямизнинг ҳуқуқ ва эркинликларга оид қоидаларининг барча **ижтимоий муносабатларга бевосита тартибга солувчи** таъсирини билдиради. Яъни қонунчилик ҳужжати ҳуқуқ ва эркинликларни аниқлаштириш, уни самарали амалга ошириш, механизмлари ва тартибларини белгилаш максадидида қабул қилинганидан қатъи назар, Конституциядаги ҳуқуқ ва эркинликлар бевосита амал қилади, деб тан олинисини аңглатади;

еттинчидан, яна бир муҳим жиҳат — миллий Конституциямизнинг 21-моддасида илк маротаба **ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга** экани ва ҳеч кимга унинг **розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги** мустаҳкамланди. Бунда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузуми, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш максадидида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги белгиланди. Бу ҳолат унинг халқаро андозаларга тўлиқ мос келишини кўрсатади. Мисол учун, мазкур норма БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (29-модда) ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (4, 5, 12, 19, 21, 22-моддалар)** мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш шартларидан келиб чиқади.

Давлатнинг олий президенти

Ўзбекистон Президентининг бошқа мамлакатларда яшаётган ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб, янги тахрирдаги Конституцияда акс этган, давлатнинг фуқаролар олдидида масъулиятини кучайтиришга қаратилган қатор янги конституциявий нормалар Бош қомусимизнинг ўзига ҳослигини таъминлайди.

Масалан, 23-моддада Ўзбекистон Республикаси фуқароси **Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги** ўз аксини топди. Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ гамўрлик қилади, деб белгиланди. Бу эса фуқаролар ҳимоясининг давлат кафолатларини мустаҳкамлайди, шунингдек, хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг ижобий имижини шакллантириш учун ҳуқуқий шароитлар яратишга хизмат қилади.

Конституциянинг 25-моддасида яшаш ҳуқуқи **ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади**, шу муносабат билан Асосий Қонунда **Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси таъқиланади**, деб белгиланди. Гарчи Ўзбекистон қонунчилигига 2008 йилда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги норма қиритилган бўлса-да, бу таъқиқ илк бор Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бундай қоидаларнинг Конституцияга қиритилиши билан уларнинг мақоми оширилди, энди улар конституциявий норма бўлди ҳамда улардан воз кечиш ёки орқага қайтиб бўлмаслиги кафолатланди. 26-моддада **инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч нарсга уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги** белгиланди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири, бу — инсон, жумладан, қонунни бузганларнинг ҳуқуқларини давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ўзбошимчиликларидан ҳимоя қилишнинг деярли барча замонавий усуллари нини ўзида муҳассам этган ишончли механизмлар мустаҳкамланшидир.

Конституцияга қиритилган тузатишларга мувофиқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари, шу жумладан, **“Хабмас корпус”** ва **“Миранда қоида”** умумэтироф этилган институтларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш орқали сезиларли кучайтирилди.

“Янги тахрирдаги Конституциянинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 та моддада **одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, судьянинг муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий нормалар мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.**”

«Янги Ўзбекистон — янги суд» тамойили

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлидаги кенг қамровли аңгиллашларнинг муҳим йўналиши ҳисобланган **суд-ҳуқуқ тизимидидаги стратегик ислохотлар самарасини таъминлаш**да янги тахрирдаги Конституция норма ва принциплари хал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган йиғилишдаги **“Асосий максадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни чин маънода “адолат кўргони”га айлантиришдан иборатдир”**, деган концептуал фикри мазкур соҳадаги ислохотларнинг асосий мазмунини акс эттиради.

Мана шундай улғувор ислохотлар пойдеворини, шубҳасиз, Бош қомуси — Ўзбекистон Конституциясида белгиланган принцип ва нормалар ташкил қилади.

Янги тахрирдаги Конституцияда **суд ҳокимиятига** бағишланган алоҳида ХХII боб мавжуд бўлиши ва унинг 130-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **мустақил ҳолда иш юритадиган суд ҳокимиятининг Конституция даражасида институционал механизмларини** белгилан беради. Конституциямизнинг 11-моддасидида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, деган конституциявий принцип амалда бўлишини таъминлайди. Жумладан, 2017 — 2024 йиллардаги суд ислохотлари натижаси **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши** ташкил этилиши; **Олий суд ва Олий ҳўжалик суди** негизида фуқаролик, жиний, маъмурий ва ҳўжалик судлов соҳасидаги ягона олий суд ҳокимияти органи — **Олий суд** фаолияти йўлга қўйилиши; **маъмурий, иқтисодий судларга** асос солиниши; **Конституциявий суднинг** мустақиллиги мустаҳкамланиши, ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилиши кабиларда намоён бўлди.

Янги тахрирдаги Конституциянинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 та моддада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, судьянинг

муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий нормалар мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси **судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари** қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Конституциянинг 135-моддасида Судьялар олий кенгашининг конституциявий асослари мустаҳкамланди — **у судьялар корпусининг шакллантирилишини**, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайдиган судьялар ҳамжамиятининг **мустақил органи** сифатида белгиланди. 136-моддада судьялар дахлсиз ва **муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги**, давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг **хавфсизлигини** таъминлаши белгиланди, 140-моддада судларнинг фаолиятини молиялаштириш **фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши** ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги нормалар мустаҳкамланди.

Суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлашга, тизим ходимларининг моддий-техника базасини яхшилашга юксак даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги му-

нинг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади”, деган қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш барча босқичдаги судларнинг бош вазифасига айланган.

Ўзбекистон Президентининг тегишли Фармони билан тасдиқланган **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси**да ҳам суд тизими учун “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишида 18 та аниқ вазифа белгилан берилди.

Одил судловга эришиш — пировард максад

Суд ислохоти доирасида хал қилувчи аҳамият касб этган яна бир муҳим ҳужжат — давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 январда қабул қилинган “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат билан **2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси** тасдиқланди. Унинг асосий вазифаси “Инсон қадри учун” гоёси асосида **“Янги Ўзбекистон — янги суд”** тамойили доирасида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя этишга йўналтириш бўлиб, унда адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришга эришиш каби 40 та аниқ вазифа белгилан берилди.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари жадал ривожланишини қуйидаги рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. 2017 — 2024 йилларда Олий суд томонидан 275 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, шу жумладан, 177 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Натижада шу даврда суд тизимига оид 60 дан ортқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. **Судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.** Суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя этиш, судларни моддий-техника ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал қилиш максадидида Олий суд ҳузуридаги **Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти** ташкил этилди.

Суд ишларини юриштишда янги институтлар қиритилди, мавжудлари тақомиллаштирилди. Жиноят процессида **ярашув институти** кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — **тергов судьялари** лавозимни қиритилди, жиноят иши бўйича **дастлабки эшитув**, фуқаролик ва иқтисодий судларда **судга қамлиш, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация** институтлари жорий қилинди. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш тизимини изчил тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, жиноят иши юритишда инсонпарварлик тамойиллари асосида **“Хабмас корпус”** институти янада кенг татбиқ этиш максадидида 2025 йил 1 январдан тергов судьялари институтини миллий амалиётга жорий қилиш белгиланди.

Судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ҳарбдор қилиш максадидида ҳар чорада вилоят судлари раислари ва ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшитирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилади.

Судлар чиқарган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмақда. Олий судда Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR марказ) ҳамда вилоят суди ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматлари ташкил этилган **аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимияти очиклигини ошириш** йўлида қўрилган муҳим чора бўлди. Судлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Давларда ишларни кўриб чиқишда адолатли, очиклик ва шаффофлиқни таъминлаш учун **“Электрон одил судлов”** тизими татбиқ этилди.

Бахтиёр ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.

ТИББИЁТ янгиликлари

Касалликларни эрта бартараф этиш йўлида

Республика перинатал марказида ҳар йили турли аъзоларида туғма нуқсонни бўлган чақалоқлар ва эмизикли болаларда 550 — 600 тадан ортқ мураккаб юқори технологик операциялар ўтказиляпти.



Айрим касалликларни гўдақнинг ҳомилалик даврида, яъни она қорнидаёқ бартараф қилишга имкон берувчи фетал тиббиёт тахрибасидан самарали фойдаланиб келинаётгани диққатга сазовор.

Соғлиқни сақлаш вазирси А. Худойёров ушбу маассаса ходимлари билан сўбат жараёнида шулар хусусида сўз юритди. Мулоқот давомида эришилган натижалар таҳлил қилиниши борабарта, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга ҳам алоҳида ургу берилди.

Маассасада тиббий туризмни тараққий эттириш учун катта салоҳият мавжудлиги, шу боис тиббий туризмни ривожлантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиши таъкидланди.

22 миллиард сўмликдан зиёд дори-дармон бепул берилди

Шу йилнинг 9 ойи давомида 14 тоифадаги шахсларга 22 млрд. 136 млн. сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмлари бепул берилди.

Бу ҳақда АОКАда бўлиб ўтган брифингда “Дори-Дармон” АК бошқарма бошлиғи Х. Эшбекова маълум қилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида грипга қарши 1 млн. 100 минг дозадан ошқ вакциналар олиб келинган бўлиб, улар Санитария-эпидемиологик осоийоталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси, тиббиёт ҳамда вакцинация марказларига, турли вазирлик ва идораларга етказиб берилди.

Ўтган ўн ойда эса компаниянинг реимбурсация дастурига уланган дорихоналари орқали 3,6 млрд. сўмлик дори воситалари электрон реңент орқали беморларга бепул тарқатилган.

Марказ ISO сертификатларига эга бўлди

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказига ISO 9001:2015 ҳамда ISO 7101:2023 халқаро сифат стандартларини жорий этганлиги муносабати билан махсус сертификатлар топирилди.



Тадбирда айтилганидек, тери ва таносил касалликларининг 38 та янги даволаш ҳамда 34 та тахшисот усули жорий этилди. Марказ 40 дан зиёд юқори технологик ускуналар билан жиҳозланиб, сунъий интеллектга асосланган тиббий ускуналар харид қилинди.

Яна бир аңглик, эндиликда марказга имтиёзли беморлар мувожаатларида навбатлар мавжуд эмас. Бу ҳудудий филиаллар, қолаверса, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида янги даволаш ҳамда диагностика усуллари амалиётга кенг татбиқ қилинаётгани самарасидир.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимизда йиллик олтин қазиб олиш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 26 тонна, кумуш 77 тонна, мис 32 минг тоннага ошган.

Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллиги

ҚУЁШГА ИНТИЛГАН ШОИР



Шунингдек, ушбу масканда Тўра Сулаймон ҳайкали ҳам тантанали очилди.

Тадбирда адабнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли, эзгу фазилатлари, хотирасини абадийлаштириш борасида амал-

га оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Уй-музей қошида кутубхона ҳам ташкил қилинди. Шoirнинг ижодий иш қуроллари, қўлёзмалари, мактублари, шахсий

Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-маърифий анжуманлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар доирасида шоир туғилиб ўсган Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги хонадониди Тўра Сулаймон уй-музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда атоқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ижодкорнинг яқинлари, дўстлари, шогирдлари, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.



буюмлари музейдан ноёб экспонатлар сифатида жой олди.

— Юртимизда Тўра Сулаймон асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, десак, муболага эмас, — дейди Ўзбекис-

тон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Норинисо Қосимова. — Қўплаб шеърлари халқимиз севиб тинглайдиган кўшикларга айланган. Хусусан, “Умр ўтмоқда”, “Баҳор кетма, менинг боғимдан”, “Гул бир ён, чаман бир ён”, “Тополмасман” сингари тароналар бугунги кунда миллий мусиқа санъати дурдоналари саналади. Шунинг билан мамнуният билан айтиш лозимки, шоирнинг халқимиз адабий-маънавий хазинасига қўшган ана шундай ижодий ҳиссаси ва она юртининг фидойи ижодкори сифатидаги ибратли фаолияти давлатимиз томонидан юксак эътироф этилаётганидан ижодкорлар, адабиёт ихлосмандлари, Тўра Сулаймон ижоди муҳлислари ва албатта, шоирнинг яқинлари миннатдорлигини изҳор қилишаётир.

Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида “Қуёшга интилган шоир” деб номланган адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Тўра Сулаймон ижодининг ёш авлодни она юртга янада меҳр-муҳаббатли ва садоқатли қилиб тарбиялашда ҳамда маънавий-маърифий ҳаётимизда муносиб ўрни борлигини алоҳида таъкидлашди.

Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тадбирлар мамлакатимиз ҳудудларида давом этмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

«TIMSS — 2023:»

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДАГИ ЎРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Таълимдаги ютуқларни баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) томонидан «TIMSS — 2023» халқаро баҳолаш дастури натижалари эълон қилинди. Бу ҳақда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ахборот берди.

Тадқиқот

Унга кўра, ўтган йил апрель-май ойларида Ўзбекистонда ўтказилган ушбу тадқиқотда барча ҳудуддан танлаб олинган 166 та мактабдан жами 8 минг 800 нафар ўқувчи (шундан 4 минг 450 нафари 4-синф ҳамда 4 минг 350 нафари 8-синф) қатнашган.

Шунингдек, мазкур мактабларнинг 166 нафар директори ҳамда математика ва табиий фанлар бўйича 1 минг 35 нафар ўқитувчи сўровномаларда иштирок этган.

Халқаро ҳисобот таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистондаги 8-синф ўқувчиларининг математика саводхонлиги бўйича ўртача кўрсаткичи 421 балл бўлиб, қатнашувчи 44 та давлат ўртасида 32-ўринни эгаллаган. Шунингдек, 8-синф табиий фанлар (Science) саводхонлиги бўйича қатнашган 44 та давлат орасидан 396 балл билан 39-ўринни ишғол қилди.

Тадқиқотда қатнашган ўзбекис-

тонлик 4-синф ўқувчилари табиий фанлар (Science) саводхонлиги бўйича 412 балл тўплаган ва иштирокчи 58 та давлат орасида 54-ўринни эгаллади. Математика саводхонлиги бўйича эса қатнашувчи 58 та давлат ўртасида 443 балл билан 50-ўринни забт этди.

Ўзбекистонда 4-синфлардаги қизлар (446 балл) математика йўналишида ўғил болалардан (440 балл) яхшироқ натижага эришган бўлса, табиий фанлар йўналишида ҳам худди шундай фарқ сақланиб қолган (қизлар 414 балл, ўғил болалар 409 балл).

Табиий фанлар йўналишида 8-синфлардаги қизлар (395 балл) ва ўғил болалар (396 балл) деярли бир хил натижа кўрсатган бўлса, математика йўналишида ўғил болалар (426 балл) қизлардан (416 балл) кўра юқори натижа қайд этган.

Маълумот учун: Ўзбекистон ушбу тадқиқотда илк маротаба қатнашди.

«Халқ сўзи».

ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ЙИЛИ



Пекин шаҳрида “Хитойда Ўзбекистон туризм йили”нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимиз элчихонаси, Ўзбекистон Туризм қўмитаси, Хитой Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Биз ва жаҳон

Тантанали маросимда Хитойнинг турли вазирлик ва идоралари, йирик сайёҳлик компаниялари, маданият ташкилотлари, ОАВ вакиллари ва блогерлар қатнашди.

Иштирокчиларга сўнгги йилларда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хорижий туристлар учун яратилаётган қулай шароитлар, мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ва имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хитой маданият ва туризм вазирлиги ўринбосари Лу Инчуань Ўзбекистон Хитой фуқаролари учун жозибали сайёҳлик масканига айланиб бораётганини таъкидлади.

UNWTO бош котиби Зураб Поликашвили ўз



нутқида Ўзбекистон юксак туризм салоҳиятига эга мамлакат эканини алоҳида урғулаб, UNWTO сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлиқни фаол давом эттиришини айтди.

Тадбир давомида, шунингдек, туризм ва инвестициялар бўйича бизнес форуми, тақдиротлар ва “B2B” учрашувлари ўтказилди.

Меҳмонлар эътиборига Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчилар миллий таомиларидан баҳраманд бўлди.

“Хитойда Ўзбекистон туризм йили” доирасида Пекин, Шанхай, Гуанчжоу, Ханчжоу, Сиань, Тяньцзинь, Шэньчжэнь, Чэнду ва бошқа кўплаб шаҳарларда турли маданий, туристик ва иқтисодий тадбирлар, медиатурлар, сайёҳлик компаниялари таширифлари, оммавий ахборот воситаларида туркум мақола ва кўрсатувлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, 2024 йил 1 декабрь кuni Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Бахтиёр Саидов ва Хитой ташқи ишлар вазирлиги Ван И ўзаро визадан озод қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладди.

Битимга мувофиқ Ўзбекистон ва Хитой фуқаролари икки давлат ҳудудларига кириш, ундан чиқиш ёки транзит учун 30 кунгача муддатга виза талабларидан озод қилинади.

Мазкур халқаро шартнома томонлар зарур бўлган давлат ички тартиб-таомилларини бажарганидан сўнг қучга қиради.

«Дунё» АА.
Пекин

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2024 йил 26 декабрь, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темури шохўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2024 йил 20 декабрь.

Кун тартибига киритилган масалалар:

- “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
- Акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари уму-

мий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг 2024 йил биринчи ярим йиллиги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ҳулосасини кўриб чиқиш ва 2024 йил биринчи ярим йилдаги фаолияти нати-

жалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

- “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Дала четини самарали ишлатган фермерларга тадбиркорлар рейтингда қўшимча балл ҳисобланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.40 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Исроил Мадримов WBC камари учун жанг ўтказди

2025 йилнинг 22 февраль кuni Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида профессионал бокс оқшоми ўтказилди.




Унда биринчи ўрта вазн тоифасидаги боксчи Исроил Мадримов рингга кўтарилиши режалаштирилган. 29 ёшли Исроил америкалик чарм қўлқоп устаси, вақтинчалик WBC Interim камари соҳиби Вержил Ортис билан тўқнаш келади.

Эътиборлиси, И. Мадримов ҳозирги кунга қадар WBC камари учун жанг қилган илк ўзбекистонлик боксчига айланади. Ҳамюртларимиз шу пайтгача WBCнинг чемпионлик камарлари учун жангда иштирок этмаган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Исроил Мадримов Вержил Ортис билан баҳсдан олдин 21 декабрь кuni украинлик Сергей Богачук билан баҳшлашади.

Шахматчиларимиз нуфузли турнирда қатнашмоқда

Куни кеча Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида шахмат бўйича нуфузли мусобақа старт олди.



Мукофот жамғармаси 94 200 АҚШ долларини ташкил қилувчи “Qatar Masters” турнирида 53 нафар ўзбекистонлик шахматчи “А” ва “В” гуруҳларида баҳсларга киришади. Қучлилар йиғилган “Орен” баҳсларида 15 нафар шахматчимиз совринли ўринлар учун курашапти.

Турнирда иккинчи рақам остида таснифланган Нодирбек Абду-сатторов, афсуски, илк даврадаёқ мағлубият аламини тотди. Гроссмейстеримиз оқ доналарда ўйнашига қарамай эронлик Реза Махдавиға имкониятни бой бериб қўйди.

Нодирбек Якубовоев ҳам 1-турдаёқ хиндистонлик Амит Мокш Дошига ютқазиб қўйди. Шамсиддин Воҳидов мусобақа тартибда қора доналарда ўйнаб, вьетнамлик Ле Пам Нгуендан устун келди. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Аф-руза Ҳамдамова қора доналарда ҳаракат қилганига қарамай италиялик гроссмейстер Лоренцо Лодикини мағлуб эта олди.

Қучлилар гуруҳида қатнашаётган ҳамюртларимиздан Баҳром Баҳриллаев, Абдумалик Абдусалимов, Мухиддин Мадамино, Саидқабр Саидалиев, Мухаммадзоҳид Суяров, Ҳумоюн Бегмуратов, Алмас Раҳматуллаев рақиблари билан дурангга рози бўлди.

Мусобақа 13 декабрь кuni яқунланади.

Икки мусобақа учун таркиб маълум

Таэквондо WT бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги халқаро мусобақада иштирок этиш учун Хитойнинг Уси шаҳрига етиб борди.

Бу ҳақда Ўзбекис-тон таэквондо ассо-циацияси хабар берди.

Мазкур шаҳар 7 — 10 декабрь кунлари “Катта дубулга Челленжер” ва аралаш жамоавий дастурдаги жаҳон кубоги финал босқичига мезбонлик қилади.

“Катта дубулга Челленжер” турнирида голиб ва кумуш медал соҳиблари 2026 йилда ўтказиладиган “Катта дубулга” финал босқичига йўланма олади.

Ушбу икки мусобақада Павел Хан ва Александр Ким мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси қуйидаги таркибда иштирок этади: О. Отажонов (58 кг.), Д. Тўхлибоев (68 кг.), Н. Қосимхожиев (68 кг.), Ж. Жайсунов (80 кг.), М. Тўхтасинбоев (80 кг.), Ш. Салаев (+80 кг.), Ф. Содиқова (67 кг.), Г. Алижонов (+67 кг.).

